

СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ПРОЦЕССУАЛ ХАТОЛАР: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА САБАБЛАРИ

О.Б.Акбутаев

Жиззах вилояти Дўстлик туман прокурори ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16830617>

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят ишини тергов қилиш босқичи: суриштирув ва дастлабки терговда суриштирувчи ва терговчилар томонидан йўл қўйилаётган процессуал хатоликлар, уларни тезкорлик билан ва самарали бартараф қилиш масалалари, қонун нормаларини қўллашда юзага келаётган амалий муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, дастлабки тергов хатоларини бартараф қилишнинг самарали механизмларидан бири бўлган прокурор назоратига оид ҳуқуқий асослар, амалий муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, дастлабки тергов, процессуал механизм, шикоят, илтимоснома.

PROCEDURAL ERRORS IN THE PROCESS OF INQUIRY AND PRELIMINARY INVESTIGATION: LEGAL NATURE AND REASONS

Akbutaev O.B.,

Deputy Prosecutor of Dostlik district of Jizzakh region

Abstract: The article analyzes the theoretical and practical aspects of procedural errors made by the investigator and inquiry officers at the stage of criminal investigation: inquiry and preliminary investigation, issues of their timely and effective elimination, as well as practical problems arising in the application of legal norms. The article analyzes the legal foundations and practical problems of prosecutorial control, which is one of the effective mechanisms for eliminating errors in preliminary investigation.

Key words: prosecutorial control, preliminary investigation, procedural mechanism, complaint, petition.

Жиноят-процессуал қонунчиликни таҳлил қиладиган бўлсак, унда суриштирув ёки дастлабки тергов хатолари тушунчаси мавжуд эмас. Унда фақат жиноят-процессуал қонунчиликнинг жиддий бузилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур ҳолат суд ҳукмининг бекор бўлиши ёки ўзгаришига сабаб бўлади. Бизнинг назаримизда, суриштирув ёки дастлабки тергов хатолари тергов ҳаракатларининг бир томонлама, тўлиқ бўлмаган ёки ноҳолис амалга оширилиши билан боғлиқ.

Бу борада ўрганиш ўтказилган бир неча диссертация мавзуларида камчиликларга йўл қўйилиши “тергов хатолари” деб номланади. Қайд этиш ўринлики, барча соҳаларда бўлгани каби инсон омили билан боғлиқ бўлган жиноят процессида ҳам камчиликларга йўл қўйилиши эҳтимоли мавжуд. Бу, ўз навбатида, бу жараёнда кўплаб хатоларга йўл қўйилишини англатади. Бироқ, тадқиқот доирасида дастлабки тергов жараёнидаги барча камчиликларни қамраб олишнинг имкони йўқ. Бундан ташқари, жиноят иши бўйича тўлиқ электрон иш юритишнинг жорий этилмаганлиги бунга ўз таъсирини ўтказди деган фикрни илгари суриш мумкин.

Мазкур масалани тадқиқ этган олим М.Сырлыбаев фикрича, тергов хатолари

суднинг ҳукмида аксини топувчи жинойт-процессуал қонунчиликнинг, шунингдек тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга қўйилган талабларнинг жиддий бузилиши бўлиб, бунинг натижасида ишни юритишга масъул бўлган шахс нотўғри қарор қабул қилади [1]. Ш.Файзиев фикрича, жинойт процессида “тизимли камчилик” тўғрисида ягона тушунча ва унинг белгиларининг аниқ сони белгиланмаган [2]. Кўпинча, у тергов ҳаракатларининг етишмаслиги, тўлиқсизлиги билан аниқланади ёки унинг натижаси сифатида тушунилади. Адабиётда мавжуд бўлган тергов камчиликларининг таърифи унинг умумий табиати, индивидуал хусусиятларининг ноаниқлиги билан ажралиб туради, бу эса унинг моҳиятини тушунишда камчиликларга олиб келади.

Бизнингча, жинойтларни тергов қилиш босқичида терговга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан йўл қўйиладётган хатоликларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) *суриштирувчи ва терговчиларнинг ҳаракатсизлиги, сустлиги, ҳар томонлама сифатли ва самарали тергов ўтказиш ўрнига жинойт-процессуал қонунчилик талабларини номигагина бажариш;*
- 2) *жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилик бўйича суриштирувчи ва терговчиларда назарий билимларнинг етарли эмаслиги;*
- 3) *процессуал ҳаракатларни ўтказиш юзасидан қонунда қўйилган талабларга риоя қилинмаслиги;*
- 4) *исбот қилишга оид нормалар ва алоҳида қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тушунмаслиги;*
- 5) *криминалистика соҳасида билим даражасининг паст даражада эканлиги [3].*

Тергов хатоларини тўғирлаш, бартараф қилиш мураккаб жараён бўлиб, ўзининг босқичлари, махсус субъектлари ва тартиби мавжуд. Масалан, прокурор қуйидаги ваколатларини амалга ошириш орқали дастлабки тергов ва суриштирув жараёнига тўғридан тўғри таъсир кўрсата олади:

- жинойт ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига, жинойт-процессуал қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда эса бир дастлабки тергов ва суриштирув органидан бошқа дастлабки тергов ва суриштирув органига ўтказилади;
- суриштирувчини ёки терговчини, агар у ишни тергов қилиш чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, суриштирувни ёхуд дастлабки терговни давом эттиришдан четлатади;
- айблов хулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлайди, ишни судга юборади;
- жинойт ишларини суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш тўғрисидаги ўз кўрсатмалари билан қайтаради. Прокурорнинг бу каби суриштирув ва дастлабки тергов органларига ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Юридик журналлар саҳифаларида, илмий анжуманларда ва даврий матбуотдаги чиқишларда дастлабки терговни қайта ташкил этиш ва сифатини тубдан яхшилаш

йўллари бўйича кўплаб қизиқарли таклифлар билдирилмоқда. Терговчининг ҳақиқий процессуал мустақиллигини ва унинг прокурордан мустақиллигини таъминлайдиган дастлабки терговни ташкил этиш муаммосига асосий ўрин берилади. Бизга жиноят процесси иштирокчилари бажарадиган функцияларни қатъий белгилаб берадиган ислохот керак ва шу муносабат билан муаммони ҳал қилишнинг ўз йўли таклиф этилади:

- прокурор фақат назорат қилиш функциясини бажаради, агар прокурор терговчининг фикрига рози бўлмаса, у протест келтириши (тергов бошқармаси ёки тергов бўлимига), рад этилган тақдирда эса судга мурожаат қилиши;

- тергов бошқармаси, бўлими бошлиғи терговчининг процессуал функцияларига аралашмасдан, терговни ташкил этиш ва самарали амалга ошириш учун умумий раҳбарлик қилиши;

- суд терговчи ва прокурор ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Жиноят процесси иштирокчилари томонидан берилган ҳар қандай шикоят, мазкур жиноят ишининг натижасидан манфаатдор бўлмаган, шу билан бирга, ушбу шикоятни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган давлат органларига берилгандагина кутилган натижага эришиш самарадорлиги юқори бўлади. Шикоят суд томонидан кўриб чиқилиб, унинг натижасига кўра суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қабул қилган процессуал ҳужжати асосиз (ғайриқонуний) деб топилганида, суд уни бекор қилиш билан чекланиб қолмасдан, ушбу мансабдор шахсга нисбатан мажбурий тартибда тегишли чора кўриш юзасидан тақдимнома киритиши лозим.

References:

Используемая Литература:

Foydalanilgan Adabiyotlar:

1. Сырлыбаев М.К. Ошибки на стадии предварительного расследования: правовая природа и причины // Вестник ЮУрГУ. Серия: Право. 2014. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/oshibki-na-stadii-predvaritelnogo-rassledovaniya-pravovaya-priroda-i-prichiny>
2. Файзиев Шохрух Мухиддинович ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДАГИ ТИЗИМЛИ КАМЧИЛИКЛАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ // EJLFAS. 2025. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/dastlabki-tergovdagi-tizimli-kamchiliklar-va-uning-ziga-hos-zhi-atlari>
3. Ищенко Дмитрий Петрович, Фисаков Максим Юрьевич ВЛИЯНИЕ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ ОШИБОК, ДОПУСКАЕМЫХ ОРГАНАМИ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ, НА КАЧЕСТВО, РЕЗУЛЬТАТИВНОСТЬ И ПОЛНОТУ РАССЛЕДОВАНИЯ // Философия права. 2023. №2 (105). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-protsessualnyh-oshibok-dopuskaemyh-organami-predvaritelnogo-rassledovaniya-na-kachestvo-rezultativnost-i-polnotu>